

УЎТ: 63. 636.638(100-87)

*Жонибек Фарманов*

*Доцент, PhD*

*Қарши иқтисодиёт ва педагогика университети,*

*Ўзбекистон*

**АСАЛАРИЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УКРАИНА  
ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗ ШАРОИТИДА  
ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Аннотация.* Мазкур мақолада дунёда асаларичилик тармогининг ривожланиши, уни етиштириш ва экспорт қилишда етакчи давлатлар, уларнинг улуши, Украинада асал етиштириш ва экспорт қилиш тажрибаси тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган ва уни мамлакатимизда жорий этиш бўйича ижобий жиҳатлари тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган.

*Калит сўзлар:* асаларичилик, янги технологиялар, экспорт, моддий воситалар, соғлом рақобат, асал етиштириш

*Жонибек Фарманов*

*Доцент, PhD*

*Каршинский университет экономики и педагогики*

*Узбекистан*

**ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ПОЛОЖИТЕЛЬНОГО ОПЫТА  
УКРАИНЫ В РАЗВИТИИ ПЧЕЛОВОДЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ В  
УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

*Аннотация.* В данной статье рассмотрено развитие отрасли пчеловодства в мире, страны-лидеры в его выращивании и экспорте, их доля, опыт выращивания и экспорта меда в Украине, а также разработаны рекомендации по его внедрению в нашей стране.

*Ключевые слова: пчеловодство, новые технологии, экспорт, материальные средства, здоровая конкуренция.*

*Jonibek Farmanov*

*Associate Professor, Ph.D*

*University of Economics and Pedagogy*

*Uzbekistan*

## **THE POSSIBILITIES OF APPLYING UKRAINE'S POSITIVE EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF BEE BREEDING IN UZBEKISTAN'S CONDITIONS**

*Annotation.* This article discusses the development of the beekeeping industry in the world, the leading countries in its cultivation and export, their share, the experience of growing and exporting honey in Ukraine, and also develops recommendations for its implementation in our country.

*Keywords:* beekeeping, new technologies, exports, material resources, healthy competition

Дунёда асаларичилик қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиб бораётган, янги инновацион технологияларни ва илм-фан ютуқларини тез ўзлаштираётган тармоқлардан бири бўлиб, у қарийб барча қиталарда кенг тарқалган агробизнеслардан бири ҳисобаланди. Шу билан биргаликда, асаличилик тармоғи барча давлатлар ўзига хос бўлган инновацион технологияларга ҳамда йўналишларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Шу боис, асаларичилик тармоғи ривожланган давлатлар тажрибалари ва уларни мамлатимиз шароитида жорий этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш долзаблик касб этмоқда.

Асал етиштиришда етакчи бўлган давлатларнинг барчаси ҳам аҳоли жон бошига нисбатан ўз давлатини тўлиқ таъминлаган ҳолда уни экспортга йўналтира олмайди. Ўз навбатида асал етиштириш бўйича кучли 10 таликка

кирмаган бази давлатлар ҳам асал экспорт қилишда етакчилар рўйхатида ўз улушига эга бўлиб бормоқда. Бу албатта асал сифати ҳамда агротехнологиясининг ўзига хослиги билан жаҳон бозоридаги конюктура ўзгариб бориши билан изоҳланади.

Юқоридагиларга асосан, асал етиштиришда ҳажм ва сифат кўрсаткичларига кўра етакчи давлатлар тажрибаларини мунтазам равишда ўрганиб бориш, улар томонидан эришилган ижобий тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Украина асал ишлаб чиқариш бўйича нафақат МДҲ давлатлари орасида, балки Европада ҳам етакчи ҳисобланиб, асаларичилик қишлоқ хўжалигининг энг ривожланган тармоқларидан биридир. Виннитса, Житомир, Запорожье, Ивано-Франкивск, Николаев ва Хмельнитский вилоятларининг ҳар бирида 100 мингдан ортиқ асалари оилалари мавжуд [6]. Бугунги кунда асалари уяларини 87 фоизи хусусий секторда, тахминан 97 фоизи Украинанинг ғарбий минтақаларида жойлашган [5].

Украинада асалга бўлган талаб даражаси бозордаги таклифга нисбатан анча юқори. Бу, ўз навбатида, асаларичиликни аграр тадбиркорлик фаолияти сифатида ривожлантириш учун ажойиб имкониятлар беради. Бундан ташқари, мамлакатда 2000 йилда “Асалчилик тўғрисида”ги қонун қабул қилинган, унга кўра барча асаларичилик маҳсулотлари ва асаларичилик фаолиятининг ўзига солиқ солинмайди. Қонун асалариларни кўпайтириш, саноатда фойдаланиш жараёнларини тартибга солади, асалари оилаларини муҳофаза қилишни таъминлайди, бу эса янги тадбиркор учун яхши имкониятларни яратиб беради.

Украинада ишлаб чиқариш самарадорлиги бошқа давлатлар билан солиштириганда, жуда паст бўлиб қолмоқда. Мисол учун, Канадада бир асаларичи 4 тоннадан ортиқ асал ишлаб чиқарса, Украинада бу кўрсаткич 200 килограммни ташкил қилади. Кўрсаткичлардаги бундай фарқнинг мавжудлиги Украинада асал ишлаб чиқаришнинг ҳаваскорлик даражасида

эканлиги билан изоҳланади. Асал етиштиришни самарали ташкил этишга “Асаларичиларнинг кооперативлар бирлашмаси” ёрдам беради.


Сўнгги йилларда Украинада асаларичик соҳасидаги асосий йўналишлардан бири бу сифат жиҳатидан тармоқни янги босқичларга олиб чиқариш саналади. Бунда Европа Иттифоқининг бозорларига кириб бориш учун Европа стандартларига мос маҳсулотларни етиштиришга урғу қаратилмоқда. Бунинг учун эса, асал етиштиришда антибиотиклардан фойдаланиш кўламини камайтириш, мумсиз ишлаб чиқриш усулларини жорий этиш ҳамда асал етиштириш агротехнологияларига, хусусан асални пишиб етилиш муддатларига қатъий риоя этишни талаб этади. Бу каби тадбирларни бажаришда эса асаларичиларга “Асаларичиларнинг кооперативлар бирлашмаси” ташкилий, иқтисодий ва илмий кўмак кўрсатиб келмоқда. Айниса ЕИ бозорларига киришда имтиёзларни олиш ва асал экспорт қилувчи корхоналарга ташкилий кўмак беришда бирлашманинг ўрни беқиёс.

Асаларичилик маҳсулотларини сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳамда белгиланган агротехнологияларга амал қилиниша натижасида баъзи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун Европа Иттифоқи ва Украина имтиёзли тариф квоталари қўллаиди. Имтиёзли тариф квоталари белгиланиши квотадан ортиқ экспортни тақиқлашни аниқлатмайди. Хусусан, Украина компаниялари товарларни тариф квотасидан ортиқ чекловларсиз етказиб бериши мумкин, аммо бу ҳажмлар ЕИда умумий импорт режимида бўйсунди. Яъни, квота доирасидаги экспорт учун 0 % бож, квотадан ташқари экспорт учун Европа Иттифоқи божхона тарифи билан белгиланадиган импорт бождари қўлланилади. Сўнгги йилларда Украина компанияларига ЕИ 36-40 минг тоннагача асал экспорти учун имтиёзли квоталар тақдим этилган [4].

Умуман олганда Украинада асал етиштириш бўйича статистик рақамлар кўрсатишича, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 75 минг тоннани

ташкил этади. Ушбу маҳсулот 400 мингдан ортиқ асал етиштирувчи хўжаликлар томонидан етиштирилади. Ушбу хўжаликларда жами 3,5 млн атрофида асалари оилалари парвариш қилинади. Ўртача битта асаларичилик хўжалигида 8,7 қути асалари оиласи парвариш қилинади. Битта асал оиласидан олинadиган асал миқдори эса 21,5 килограмми тақшил этади (1-расм).

Рақамлардан кўришимиз мумкинки, асаларичилик соҳасида фаолият юритувчи хўжаликлар сони, ишлаб чириш ҳажми ва бир асалари оиласининг ҳосилдорлиги дунёдаги ўртача кўрсаткичлардан юқори бўлиб, у соҳада олиб борилган узоқ йиллик ислоҳотлар ва илм фанга киритилган инвестициялар натижаси ҳисобланади.



**1-расм. Украинада асаларичилик тармоғининг асосий кўрсаткичлари, 2020 йил ҳолатига**

Украинада асаларичилик тармоғи қонун билан мустаҳкамланган бир қатор ўзига ҳосликлари билан ажралиб туради. Хусусан, асаларичиликда фақат маълум ҳудудда районлаштирилган, ижро ҳокимияти томонидан тасдиқланган асалари зотларини боқишга руҳсат этилади.

Асаларичилик хўжалиklarини ҳисобга олиш ва даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш учун махсус ветеринария-санитария паспорти жорий этилган. Барча турдаги хўжалик юритиш шакллари асаларичилик билан

шуғулланиши мумкин, аммо улар асаларичилик хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда ишлаб чиқрилган маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиши шарт. Асаларичилик хўжаликларининг барчаси, хусусан, етиштирувчилар, саноат асосида қайта ишловчилар солиқлардан озод этилган.

Эътиборлиси жисмоний ва юридик шахсларга асаларичилик хўжаликларига қонун билан белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиб берилади.

Ўсимликчилик соҳасида фаолият юритувчи хўжаликлар ўсимликларни касаллик ва зарурқунандалардан ҳимоялаш мақсадида кимёвий препаратлардан фойдаланган тақдирда, 10 кун олдин 10 километргача бўлган майдонда фаолият юритувчи асаларичилик хўжаликларини огоҳлантириши шарт. Бунда қўлланилаётган кимёвий восита тури, номи ва таъсир кўлами тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши талаб этилади.

Украинада асаларичилик тармоини давлат томонидан қўллаб қувватлаш, ички бозорда талаб паст бўлган юори сифатли ва нисбатан қиммат асал етиштирган хўжаликларни молиявий рағбатлантириш, экспортга кўмаклашиш мақсадида бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Шу билан биргаликда Украинада органик масҳулот етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, буни амалга ошўириш учун мамлакатда тибий шароит, жумладан, тоғли ва ўрмон ҳудудлари кенг тарқалган. Ушбу ҳудудларда органик маҳсулот етиштирувчи асаларичилик хўжаликлари асалари қутиси, ташиш ва етиштирилган асални сақлаш қурилмаларини имтиёзли асосда ҳарид қилиш тизимини ишлаб чиқилган.

Юқорида таъкидланганидек Украинада асаларичилик хусусий секторда, хаваскорлик даражасидаги агробизнес шаклига айланган бўлиб, уни ишлаб чиқарушга қизиқишлари юқори бўлган ёрдамчи оила хўжаликлари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Аммо, мавжуд

қонунчиликка кўра асаричилик билан фақатгина етарли билим ва кўникмаларига эга бўлган шахсларгина шуғулланиши мумкин. Шу боис мамлакатда ҳудудлар кесимида табиати, иқлими, ўсимликлари ва районлаштирилган асалари зотларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш, билим ва кўникмаларини ошириб бориш тизими жорий этилган. Бунда “П.И.Прокопович номидаги асаричилик институти” миллий илмий марказнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу илмий марказ томонидан ташкил этиладиган илмий семинар ва ўқув курслари учун бюджетдан алоҳида молиявий ресурслар ажратилади.

Умуман олганда асаричилик тармоғини барқарор ривожлантиришда ушбу тармоқ ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатишича соҳани ривожлантиришнинг асосий дастаклари сифатида қонунчилик асосида тартибга солиш, илм-фанни ривожлантириш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўналишларига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз шароитида ҳам бу борада бир қатор ислоҳотлар амалга оширилган бўлиб, олиб борилаётган ислоҳотлар кўламини янада ошириш мақсадида Украина давлатининг қуйидаги тажрибаларини жорий этиш таклиф этилади. Жумладан:

- “Асалчилик тўғрисида”ги қонун қабул қилиш;
- асаричилик хўжалиklarини ҳисобга олиш ва даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш учун махсус ветеринария-санитария паспорти жорий этиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга асаричилик хўжалиklarига қонун билан белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиш;
- ўсимликларни касаллик ва зарурқунандалардан ҳимоялаш мақсадида кимёвий препаратлардан фойдаланган тақдирда, 10 кун олдин 10 километргача бўлган майдонда фаолият юритувчи асаричилик хўжалиklarини огоҳлантириш;

- асаричиликка ихтисослашган алоҳида миллий марказ томонидан субъекларга хизмат кўрсатиш, асаричиларни билим ва малакаларини ошириш, асарлари зотларини яхшилаш ва ҳок.

Ушбу ташкилий янги механизмларнинг жорий этилиши натижасида мамлакатимизда асаричилик соҳаси барқарор ривожланишини таъминлаш, ички талаб даражасида маҳсулот етиштирган ҳолда сифатли асал маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Л.Л.Лангстрота. Схема современного пчеловодства. Энциклопедия пчеловодства - библиотека пчеловода. <http://paseka.pp.ru/pchela-i-ulej/758-skhem-a-sovremennogo-pchelovodstva.html>
2. Мед (мировой рынок). Крупнейшие производители меда. <https://www.tadviser.ru/index.php>
3. Мировой Рынок Мёда. Статистика по Странам. [www.pchelovod.info](http://www.pchelovod.info)
4. Льготные тарифные квоты. <https://eu-ua.kmu.gov.ua/en/preferential-tariff-quotas>
5. Украина. Закон о пчеловодстве. <https://moyapaseka.ru/novosti/ukrain-a-zakon-o-pchelovodstve>
6. Farmanov , J. Z., Rimboyeva , N. X. qizi, & Rimbayeva , G. X. qizi. (2023). QISHLOQ XO‘JALIGINI RAQAMLASHTIRISHDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISH. GOLDEN BRAIN, 1(1), 231–236. Retrieved from
7. Farmanov J. UKRAINIAN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE BEEKEEPING NETWORK IN OUR COUNTRY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 09. – С. 66-69.
8. Ziyadullayevich F. J. et al. MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI //Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions. – 2022. – С. 847-852.

9. Юлдошева Ш. А. ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СИСТЕМЕ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА //Экономика и социум. – 2022. – №. 10-1 (101). – С. 794-800.
10. Юлдошева Ш. А. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАЛИЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Экономика и социум. – 2023. – №. 11 (114)-1. – С. 1168-1172.
11. Юлдошева Ш. А. ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ОБСЛУЖИВАНИЕ В ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ //Экономика и социум. – 2022. – №. 12-1 (103). – С. 1158-1165.
12. Rustamovna K. N. State Support Areas for the Cultivation of Medicinal Plants in Agriculture. – 2023.
13. Khidirovich E. R. et al. Issues of Development of the Pharmaceutical Industry on the Basis of Improving the Cultivation of Medicinal Plants. – 2023.
14. Rustamovna K. N. Ways to Improve the State and Efficiency of Growing Medicinal Plants in the Kashkadarya Region //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 78-84.
15. Samiyeva G. T., Yuldashev S. E. Ways to Effectively Organize Employment of the Population in Ensuring Social and Economic Security of the Region. – 2023.